

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR
MIRZO ULJG'BEK TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA
DAVLAT HIZMATLARI KO'RSATISH
"YAGONA DARCHA" MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
2016 yil "04" 07 № 04-0001331

«O'zneftgazinformatika» AJ
акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиш раиси
Аношкина А.А.



«O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамиятининг Низомига
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар
МАТНИ

№	Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
1.		1.5. банд куйи мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ - 2454 сонли қарорини бажариш мақсадида низом жамғармасининг 18,25% ни ташкил этувчи Жамият акцияларини чет эл инвестори - МЧЖ "Атлант" 16.16.2016й. – 18.06.2016й. кунлари иккиламчи бозорда "Тошкент" РФБ орқали акциядор - жисмоний шахслардан сотиб олди.
2.	4.1. Жамиятнинг Низом жамғармаси акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширилиши мумкин. Жамиятнинг Низом жамғармасини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Низомидан кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.	4.1. Жамиятнинг Низом жамғармаси қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширилиши мумкин. Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Низомидан кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.
3.	4.2., 4.3. бандлар бекор қилинсин	4.4. – 4.7. бандлар тегишли равишда 4.2.- 4.5. бандлар деб ҳисоблансин
4.	4.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли орқали Жамият Низом жамғармасини ошириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул	4.3. Жамиятнинг низом жамғармасини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият низомига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар Жамият

	қилинади.	низомига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади
5.	4.6. банднинг биринчи хатбоши: Жамиятнинг Низом жамғармасини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.	4.4. банднинг биринчи хатбоши: Жамиятнинг низом жамғармасини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.
6.		“Даромад (фойда), дивидендлар тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби “ ҳақидаги 6 -модда қуйидаги тахрирдаги 6.4. банд билан тўлдирилсин: «Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.»
7.	6.4. - 6.12. бандлар	тегишли равишда 6.5. - 6.13. бандлар деб ҳисоблансин
8.		“Акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” ҳақидаги 8 - модда қуйидаги тахрирдаги 8.4. банд билан тўлдирилсин: «Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.»
9.	9.6. банддаги “Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтириш” сўзларини	Қуйидаги сўзлар билан алмаштирилсин: “Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтириш ва Жамиятнинг эълон қилинган акцияларни сонини камайитириш”

10.		9.8. банддаги саволлар рўйхати куйидаги тахрирдаги савол билан тўлдирилсин: “ аффилиланган шахс билан келишувни маъқуллаш”
11.		“Акциядорларнинг умумий йиғилиши” хақидаги 9- модда куйидаги тахрирдаги 9.9. банди билан тўлдирилсин: “Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият Низом жамғармасидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади”
12.	9.9. – 9.44. бандлар	Тегишли равишда 9.10. - 9.45. бандлар деб ҳисоблансин
13.	10.4. банддаги ушбу сўзларни “Жамиятнинг Низом жамғармасини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасидаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, шунингдек Жамият Низомига Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш”	Куйидаги сўзлар билан алмаштирилсин: “Жамиятнинг Низом жамғармасини эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасидаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, шунингдек Жамият Низомига Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш”
14.	10.19. банддаги сўзлар: “Жамият Низом жамғармасини акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш”.	Куйидаги сўзлар билан алмаштирилсин: “Жамиятнинг Низом жамғармасини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва бу билан боғлиқ бўлган Жамиятнинг эълон қилинган акцияларининг сонини камайитириш”
15.	10.27. банд	«“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги ” қонуннинг 90- моддасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
16.	11.15. банд	«“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги ” қонуннинг 90- моддасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.